

Махматқобил Обилқосимов
Жиззах политехника институти,
“Ижтимоий фанлар” кафедраси
катта ўқитувчиси
Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳар

ГЛОБАЛ ТАРМОҚНИНГ ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ёшлар онгу шуурини интернет орқали кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялашнинг устувор йўналишлари атрофлича ёритиб ўтилган. Бугунги ахборот кучайган, ахборот манба ва воситаларининг турли-туманлиги шароитида ёшларнинг онгини эгаллаш учун кескин кураш жараёни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Интернет, зарарли ғоя, Глобал тармоқ, ахборот, ёшлар тарбияси. Ҳозирги кунгача интернет тўғрисидаги баҳслар тингани йўқ. Аммо, биз XX асрнинг мана шу кашфиётсиз кундалик ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Зеро, интернет бугунги кунда кенг қўлланилиб, ахборот манбаи бўлиб келмоқда.

Makhmatkobil Obilkosimov
Jizzakh Polytechnic Institute,
Senior Lecturer, Department of “Social Sciences”
Republic of Uzbekistan, Jizzakh city

IMPACT OF THE GLOBAL NETWORK ON YE DUCATION OF THE YoUNG GENERATION

Abstract. This article comprehensively discusses the priority areas of yeffective and reliable protection of the minds of young people from harmful ideas and influences coming through the Internet. In today's information-intensive

yenvironment, with a variety of information sources and tools, the process of a fierce struggle to capture the minds of young people is analyzed.

Keywords: Internet, harmful ideas, Global Network, information, youth yeducation. To this day, discussions about the Internet have not ceased. However, we cannot imagine our daily lives without this discovery of the 20th century. Because the Internet is widely used today and has become a source of information.

Маълумки, интернет узоқни яқин қилиш, вақтни тежаш, ахборот олиш ва тарқатиш майдонининг кенглиги, ўзида матн, овоз, тасвир мавжудлиги, таълим жараёнида масофавий ўқитиш ва одамларнинг билимга бўлган эҳтиёжини қондириш, инсонларнинг мулоқот жараёнида дўстлар топишини осонлаштириш ва ҳоказо имкониятлари билан барчага қўл келмоқда. “Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тиғиз, шу қадар тезкорки, - деб эътироф этган мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.Каримов, - энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди”[1.Б.112].

Умуман олганда, интернетнинг ижобий хусусиятлари жуда кўп, шу билан биргаликда, унинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Тараққиёт жараёнида интернет ахборотни оммага тезкор равишда етказиб бермоқда. Айниқса, хорижий давлатларда рўй бераётган турли хил воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор маълумотлар олмоқдамиз. Глобал тармоқнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ҳам таъсири бор. Давлатимиз раҳбари томонидан бу борада “...бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш олиб бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз мумкин”[2.Б.17].

Бугун дунёни тўр сингари ўраб олган Интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши ёки узатиши мумкин. Одам боласи табиатан янгиликка, ахборотга ташна экан, ўз эҳтиёжларни кондиринишда бутун дунё хабарномаси бўлган интернет кейинги йилларда кўп маъқул ва номаъқул оқибатларга олиб келмоқда. Интернет бирор бир давлат конунларига бўйсинмайди ва ҳеч кимга ўз фаолияти учун ҳисоб бермайди. Янги ахборот маконида маълумотлар жуда катта ҳажмда жойлаштирилади ва яшин тезлигида тарқалади. Албатта, унинг кишилар дунёқараши, билими ва савиясининг кенгайишидаги аҳамиятини инкор этмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 мартда ёшлар тарбиясига оид ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар тарбиясига эътиборни янада кучайтириш борасидаги вазифалар белгилаб берилиб, уларни ҳар томонлама ривожлантириш борасида 5 та ташаббус илгари сурилди. Видеоселекторда Юртбоши томонидан ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди [3].

Жамиятда ахборот ҳам билим манбаи ҳам энг асосий мулоқот воситаси бўлиб ҳисобланади. Жамиятни ахборотлаштиришда радио, телевидение, оммавий-ахборот воситалари ва Интернет тизимининг аҳамияти жуда юқоридир. Ҳар ким ҳар доим бирор ишни бажариш ёки бирор мақсадга эришиш учун ахборотдан фойдаланади. Ҳар бир инсон масалан, об-ҳаво прогнозини, транспорт воситалари қатнови жадвалини, банк ва бизнес маълумотларини ҳамда кундалик янгиликлардан хабардор бўлиши мумкин.

Агарда инсон кундалик ахборотлар ва янгиликлардан хабардор бўлмас экан у жамиятдан узилиб қолиши муқаррар. Айтиш жоизки, интернетнинг ахборот майдони кун сайин кенгайиб, ахборот манбалари тез-тез янгиланиб туради. Бу эса, ўз навбатида, тараққий этишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Интернетнинг салбий томонини мисол сифатида келтирадиган бўлсак, ундаги айрим маълумотлар ёшларнинг онгига таъсир кўрсатмоқда.

Ёшларимизнинг аксарият қисми интернетдаги турли хил ахборотни ўқиб, миллий удумларга, диний қадриятларимизга бефарқ бўлмоқда. Бугунги кунда интернет ёшларнинг ижтимоий ҳаётига ҳам таъсир ўтказиб, миллий урф-одатларимизга кескин ўзгартиришлар киритмоқда. Айрим сайтларда миллий маънавиятимиз, диний қадриятларимизни ҳисобга олмасдан маълумот ва суръатлар жойлаштирилаётгани ҳам сир эмас. Аини пайтда ёшларга интернетдаги маълумотни тўғри қабул қилишни ўргатишимиз лозим. Ўсиб келаётган ҳар бир ўсмир интернетдаги маълумотдан тўғри фойдаланиш ва унинг зарарли эканини ажратиш олса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, интернетдаги ахборот хуружи тобора авж олиб бораётган ҳозирги пайтда унинг жамият тараққиётига, ёшларнинг онгига ва миллий қадриятларга таҳдиди борган сари кучайиши кузатилмоқда. “Интернет ва ахборот асри ҳисобланган давримизда ёшларимизнинг оила ва оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ўзгариб бормоқда...Ёшларимизнинг никоҳгача ва никоҳ давридаги ҳуқуқига, уларнинг айрим бўйсунмаслик каби таъсирларга берилишига сабаб бўлмоқда” [4.Б.23]

Мамлакатимизда интернетдан фойдаланишни тартибга солиб, провайдерлар назоратини кучайтириш, турли муқобил сайтлар ва ахборот майдонлари яратиш орқали уларни ёшларнинг, аҳолининг талабларига мос равишда ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилиши керак. Бу эса ўз навбатида, интернетдаги салбий ахборотларининг олдини олади. Ёшлар интернетга кириб реал ҳаётдан узоқлашиб қолаётганини хориж тажрибаси мисолида кўришимиз мумкин. Бугунги кунда интернет-кафеларда бизнинг айрим ёшларимиз ҳам ўзларининг вақтини йўқотмоқда. Интернет-кафеларга иш юзасидан кирар эканмиз, аксарият ҳолатда, дарс пайти мактабдан “қочган” ўқувчи компьютерда турли хил ўйинларни ўйнаётганини ва чат орқали гаплашаётганини кўрамиз. Ачинарлиси шундаки, улар ўзларининг вақтини беҳуда ўтказиб, “эзгулик йўлида” ваҳшийларча ўлдириб,

дунёни “кимдандир ёки нимадандир” халос этадигандай ўйинлар гирдобига тушиб бормокда.

Хулоса сифатида шуни алоҳида такидлашимиз лозимки, глобаллашув жараёнида ёшларимизнинг аجدодларимиздан қолган бой, маънавий меросини ўқиб-ўрганиш, теран англаши уларни комиллика етаклайди.

Интернет тармоқлари орқали дунёни билишлари эса уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ошишига замин яратади. Шу маънода сўз юритадиган бўлсак, ўтмишини кадрлаб, келажакка юз тутган юртнинг ворислари ўтмиши каби келажаги ҳам буюк юртни дунёга танитишади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Иккинчи нашри. Тошкент. “Маънавият” 2010.-175 б.

2. Ш.М. Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 бет.

3. Президент бешта муҳим ташаббусни илгари сурди. Улар нима? [хтtps://kun.uz/news/2019/03/20/президент-бешта-муҳим-ташаббусни-илгари-сурди-улар-нима](https://kun.uz/news/2019/03/20/президент-бешта-муҳим-ташаббусни-илгари-сурди-улар-нима).

4. Жўрабекова Ҳ.М. Оилавий муносабатлар-ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва оилаларни мустаҳкамлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигининг аҳамияти мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. 22-25-б. 2018. 212 бет.

5. Тажибаев, М. А. (2024). ТҲЕ СИГНИФИКАНСЕ ОФ ТҲЕ ЛАВС ОФ ДИАЛЕСТИС ИН ССИЕНТИФИС KNOWLEDGE. Экономика и социум, (4-2 (119)), 508-511.

6. Тажибайев, М. А. (2024). О ЎЗИНИ-О ЎЗИ ТАШКИЛЛАШТИРУВЧИ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАДҚИҚ ЕТИШНИНГ ЯХЛИТ МЕТОДОЛОГИЯСИ. Экономика и социум, (1 (116)), 549-552.

7. Тожибоев, М. А. КОМИЛ ИНСОННИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДА
МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ ОМИЛЛАРИ.